

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА КАМИЛА ХАМИДОВНА

**АМИНОМЕТИЛЕНФОСФОН КИСЛОТАСИ АЛИФАТИК ВА
ГЕТЕРОЦИКЛИК ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ИНГИБИТОРЛИК
ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

УДК: 541.138.2; 546.185.4; 661.635.68.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рашидова Камила Хамидовна

Аминометилефосфон кислотаси алифатик ва гетероциклик ҳосилаларининг
ингибиторлик хоссалари..... 3

Рашидова Камила Хамидовна

Ингибирующие свойства алифатических и гетероциклических производных
аминометиленфосфоновой кислоты..... 21

Rashidova Kamila

Inhibiting properties of aliphatic and heterocyclic derivatives of
aminomethylenephosphonic acid 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА КАМИЛА ХАМИДОВНА

**АМИНОМЕТИЛЕНФОСФОН КИСЛОТАСИ АЛИФАТИК ВА
ГЕТЕРОЦИКЛИК ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ИНГИБИТОРЛИК
ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К48 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Акбаров Ҳамдам Икромович**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сидиқов Абдужалил Сидиқович**
кимё фанлари доктори, профессор

Гуро Виталий Павлович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (+99824)246-53-21, 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824)246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

М.Г. Мухамедиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда саноати интенсиф равишда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг турли соҳаларида металллар коррозиясини олдини олиш, ингибирловчи системаларни ва антикоррозион қопламаларни яратиш амалий ҳамда назарий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Кимё ва нефт-кимё саноати ривожланган мамлакатларда металллар коррозияси натижасидаги йўқотишлар катта иқтисодий зарар етказди. Шу сабабли юқори самарали коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш янада муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда кимёвий, электрокимёвий, микробиологик коррозияга қарши ва тузланишни олдини олувчи янги полифункционал ингибиторларни яратишда уларнинг экологик хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда фосфор тутган бирикмалар, фосфор ва фосфон кислоталарининг ҳосилалари ва органофосфонатлар, уларнинг полиэлектrolитлар билан композициялари ва металл ионлари билан комплекслари асосидаги қатор кўп функцияли ингибиторлар ишлаб чиқаришга аҳамият берилмоқда.

Республикада саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлари асосида олигомер ва полимер турлардаги ҳамда полиэлектrolитлар билан кўп компонентли полифункционал ингибиторлар яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янги ёндашувларга асосланган, кўп компонентли полифункционал композицияларни яратишга эришилди ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашё ресурслари – кўп тоннали кимёвий саноат иккиламчи маҳсулотлари ва синтез қилинган моддалар асосида коррозия жараёнининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида металллар коррозиясини олдини олувчи моддаларнинг синтези ва улар асосида ингибирловчи системаларни яратиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича G. Trabanelli, N. Hackerman, W.J. Lorenz, S. Szklarska-Smialowska, M.I. Incorvia, M.A. Quraishi, W.W. Frenier каби олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида Кузнецов Ю.И., Решетников С.М., Акимов А.Г., Колотыркин Я.М., Батракова В.П., Фахретдинов П.С., Вигдорович В.И., Шель Н.В., Цыганкова Л.Е., Хани М., Степин С.Н., Кузнецова О.П., Вахин А.В., Стрекалов П.В. каби олимлар самарали полифункционал ингибиторларни яратиш ва уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотларни олиб бормоқдалар.

Республикамизда металллар коррозияси муаммоларини ҳал қилишда, ингибиторлик хоссаларини намоён қилувчи кимёвий бирикмаларни синтез қилишда ҳамда янги ингибирловчи кўп компонентли системаларни яратишда Тиллаев Р.С., Цыганов Т.Д., Курбанов Ф.К., Жалилов А.Т., Икрамов А., Юсупов Д., Таджиходжаев З.Б., Акбаров Х.И., Гуро В.П. каби олимлар ўзларининг фундаментал тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Бугунги кунда органофосфонатлар ва фосфон кислотасининг ҳосилалари асосида янги юқори самарали бирикмаларнинг синтези, улар асосида полифункционал ингибиторларни ишлаб чиқиш ва таъсир механизмини аниқлаш республикамиз кимё саноатини ривожлантиришда жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режасининг Ф3-151 «Полимерлар биологик фаол моддаларни ташувчилар ва ингибиторлар сифатида» (2007-2011 йй.); ЁФ7-1 «Маҳаллий хомашё асосидаги металллар коррозияси ингибиторларнинг янги авлоди» (2014-2015 йй.); Ф7-85 «Аминометилефосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилалари асосидаги металллар коррозияси ингибиторларининг синтези ва физик-кимёвий хоссалари» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва А12-46 «Полиэлектролитларнинг антикоррозион самарадорлигини ошириш ва уларни қўллаш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аминометилефосфон кислотаси алифатик ва гетероциклик ҳосилаларининг ингибиторлик хоссалари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: аминометилефосфон кислотасининг янги алифатик ва гетероциклик ҳосилалари иштирокида коррозион ва электрокимёвий тадқиқотларни ўтказиш;

коррозия тезлиги, ҳимоялаш даражаси ва тормозлаш коэффициентларининг муҳит рНи, температура, ингибиторларнинг концентрацияси ва таркибига боғлиқлигини аниқлаш;

электрод сиртининг тўлиш даражаси, адсорбцион мувозанат константаси, ўзаро таъсирлашиш коэффициентлари ва коррозия жараёни термодинамик функцияларининг қийматларини аниқлаш;

электрокимёвий жараёнлар кинетикасини ўрганиш асосида ингибиторларнинг анод ва катод жараёнларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида синтез қилинган аминометилефосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилалари ҳамда полиэлектродлар ва кимёвий саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Турли муҳитларда температура, концентрация ва таркибга боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги бир ва икки компонентли системалар ёрдамида коррозияни ингибирлашнинг мақбул шароитларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида органик синтез усуллари ҳамда ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентгеноструктур анализ ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган. Ингибиторларнинг самарадорлиги кутбланиш эгрлари, кутбланиш қаршилиги ва гравиметрик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аминометилефосфон кислотасининг янги алифатик ва гетероциклик ҳосилаларининг структураси аниқланган;

илк бор фосфон гуруҳларини тутган алифатик ва гетероциклик бирикмалар иштирокида коррозияни ингибирлашнинг электрокимёвий механизми исботланган;

ингибиторларнинг самарадорлигини ўзаро таъсирлашиш коэффициентларини миқдорий баҳолаш асосида икки компонентли аминометилефосфон кислотаси (АМФК) ҳосилалари-полиэлектрод системасининг эквимоляр нисбатларида ингибирлашни ўзаро кучайтирувчи синергетик эффекти аниқланган;

температура ортиши билан янги органик бирикмалар асосида ишлаб чиқилган ингибирловчи системаларнинг электрод сиртини қоплаш даражаси, адсорбцияланиш мувозанат константаси ва фаолланиш энергияси қийматларининг ортиши натижасида кимёвий сорбцияланиш бориши ва ушбу жараённинг полиэлектродлар таъсирида кучайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: аминометилефосфон кислотаси асосида қатор янги бирикмалар

синтез қилинган ва уларнинг хелат ҳосил қилувчи ингибиторлар сифатида самарадорлиги аниқланган;

таклиф қилинган ингибирлаш механизми асосида янги юқори самарали ингибирловчи системалар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган икки компонентли системалар полифункционал таъсир этувчи ингибиторлик хоссаси намоён қилиши кўрсатилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентгенструктуравий анализ каби замонавий физик-кимёвий ҳамда электрокимёвий, коррозия ва гравиметрик усуллар асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган янги системаларнинг таркиби ва компонентларнинг кимёвий табиатига боғлиқ равишда икки компонентли «аминометиленфосфон кислотаси ҳосиласи-полиэлектролит» системаларида юқори синергетик эффект мавжудлиги натижасида самарали ингибирловчи ҳимоя ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган алифатик ва гетероциклик бирикмалар ҳамда кимё саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида янги, импорт ўрнини босувчи ва экологик хавфсиз ингибиторларни саноатга қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Алифатик ва гетероциклик бирикмаларини синтез қилиш ва кўп функцияли ингибиторларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги ингибирловчи системалар «Gissarneftgaz» ҚҚда амалиётга жорий этилган («Gissarneftgaz» ҚҚнинг 2018 йил 6 декабрдаги 1902-GNG-сон маълумотномаси). Натижада аминометиленфосфон кислотаси ҳосилалари асосида импорт ўрнини босувчи ингибиторларни олиш имконини берган;

пиперидин-1-ил-метиленфосфон кислотасининг рентген тузилиши таҳлили натижалари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC, 1876150). Натижада янги кимёвий бирикмаларни синтез қилиш ва тузилишини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Самарали ингибирловчи системаларни яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда металларни коррозиядан ҳимоялашнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган ишлар таҳлил қилинган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари янада кучайтирилганлиги сабабли, индивидуал кимёвий бирикмаларнинг ҳимоялаш самарадорлиги чегараланиб, аввал маълум бўлган ингибиторларнинг доираси кескин торайди. Шунинг учун экологик жиҳатдан хавфсиз, зарарсиз, кўп компонентли ва полифункционал ингибиторлар ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолди. Бу турдаги истиқболли ингибиторлар таркибида ўз-ўзидан тартибланувчи сирт қаватларни ҳосил қилишга қодир бўлган бирикмаларни тутган композициялар ҳисобланади, лекин металл сиртини олигомер ва полимер турдаги бундай кўп компонентли ингибиторлар билан модификациялаш кам ўрганилган соҳадир. Бундай ингибирлашда сирт юзасида комплекс ҳосил бўлиши асосий аҳамиятга эга бўлади, шунинг учун хелат ҳосил қилувчилар энг истиқболли реагентлар ҳисобланади. Улар ичида фосфон кислотасининг ҳосилалари асосий ўринни эгаллайди. Ушбу бирикмалар қатор ноёб хоссаларни намоён қилади, улардан бири маълум шароитларда полимер тузилишига эга бўлган кам эрувчан бирикмаларнинг ҳосил қилиш имкониятидир. Таркибида бир вақтнинг ўзида аминотурух ва фосфон кислотасининг қолдиғини тутган ҳолда ушбу бирикмалар биологик фаол моддалар, комплексонлар ва аналитик реагентлар сифатида ҳам амалда кенг қўлланилиш имкониятларига эга эканлиги кўрсатиб берилган.


Диссертациянинг «Ингибирловчи системалар ва уларнинг физик-кимёвий ва электрокимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш» деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот учун танланган объектлар, синтез ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. Рентгеноструктур анализ, масс-спектрометрия, квант-кимёвий ҳисоблар ва ИҚ-спектроскопия усулларида синтез қилинган бирикмаларнинг структурасини аниқлашга ёндошув тавсифланган. Электрокимёвий, коррозия, гравиметрик, адсорбцион ва термодинамик тадқиқотлар натижаларини назарий қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Учинчи боб «Аминометиленфосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилаларининг синтези ва структурасини аниқлаш»га бағишланган бўлиб, унда аминометиленфосфон кислотасининг (АМФК) алифатик ва гетероциклик ҳосилаларини синтез қилиш натижалари муҳокама қилинган. Карбонил бирикмалар сифатида формальдегид ва м-нитробензальдегиддан фойдаланилган. Ушбу реакциянинг механизми ва тезлиги аминнинг ишқорийлигига карбонил бирикмасининг табиатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги схема бўйича боради:




1) $R_1 = R_2 = H$; 2) $R_1 = H$, $R_2 = m\text{-NO}_2\text{C}_6\text{H}_4\text{-}$, 3) $R_1 = R_2 = \text{CH}_3$


Реакция механизми ҳақида турли фикрлар мавжуд. Ортофосфон кислотасининг формальдегид билан реакцияси юқори унум билан боради ва эҳтимоли энг юқори бўлгани Манних реакцияси механизмидир, лекин бошқа механизмлар ҳам тўлиқ инкор этилмаган. Механизмдаги фарқларни юмшоқ ва қаттиқ кислота ва асослар нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин.



Унга кўра қаттиқ кислоталар (алифатик кетонлар ва альдегидлар) қаттиқ асослар билан тезда таъсирлашади. Юмшоқ асослар – фосфитлар авваламбор юмшоқ кислоталар (ароматик карбонил бирикмалар) билан таъсирлашади. Шунга кўра 2,4-динитрофенилгидразиннинг м-нитробензальдегид билан реакцияси механизмини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



Синтез қилинган моддаларнинг структураси ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия ва рентгеноструктуравий анализ усулларида тасдиқланган.



1-расм. ПМФК гидрохлоридининг молекуляр тузилиши ва молекулаларнинг структурага жойлашиши.

1-жадвал

ПМФК гидрохлориди структурасининг асосий кристаллографик параметрлари ва рентгеноструктуравий анализ тавсифлари


Структура	Пиперидин -1-ил-метилен фосфон кислотасининг гидрохлориди
Молекуляр формула	$[C_6H_{15}NO_3P]^+, Cl^-$
MW г.мол ⁻¹	215.61
Сингония	ромбик
Фазовий гуруҳ	Pca21
Z	4
a, Å	7.2531(4)
b, Å	14.0197(8)
c, Å	9.6253(6)
α, град.	90
β, град.	90
γ, град.	90
V, Å ³	978.76(10)
ρ, г/см ³	1.463
Кристаллнинг ўлчамлари (мм)	0.60x0.42x0.25
Сканирлаш соҳаси (θ)	6.314≤62.254
μ _{exp} (мм ⁻¹)	4.804
Мустақил қайтишлар сони	1212
Қайтишлар сони I>2σ(I)	1238
R ₁ (I>2σ(I) ва умумий)	0.0494(0.0499)
WR ₂	0.1269(0.1277)
Флак (Хуфт) параметри	0.001(2)
GOOF	1.118
ЭПнинг айирма чўққилари (eÅ ⁻³)	0.495 и -0.291
CCDC	1876150

1-жадвалда пиперидин-1-ил-метиленфосфон кислотасининг (ПМФК) рентгеноструктур тажрибалар асосида аниқланган асосий параметрлари ва

ҳисоблашлар натижасида аниқлаштирилган структуралари (1-расм) келтирилган. Пиперидин цикли бир оз бузилган кресло конформациясига эга бўлиб, унда азот атоми HCl нинг протони ёрдамида протонланган.

Циклдаги N-C боғининг масофаси (N1-C1 1.513(9)Å, N1-C5 1,492(9)Å) циклдан ташқаридаги (N1-C6 1,478(7) Å) валент боғниқидан узунроқ. Фосфон гуруҳи таркибида иккита протон мавжуд. Ушбу структура SHELXS-97 дастур бўйича бевосита усул билан ўрнатилган ва унга SHELXS-2014/7 дастур ёрдамида аниқлик киритилган.

Ўрганилган бирикмаларнинг молекулаларида функционал гуруҳлар кўп бўлганлиги ва электрон потенциал бутун молекула бўйича тақсимланганлиги туфайли (2-расм), металл сиртини «қоплаш» етарли даражада зич бўлади, бунинг натижасида эса, ушбу бирикмаларнинг юқори антикоррозион фаоллиги намоён бўлади, деган хулосани қилишимиз мумкин.



2-расм. ПМФК молекуласида электрон зичликнинг тақсимланиши ва унинг шар-стерженли модели


Диссертациянинг «Синтез қилинган ингибиторларнинг самарадорлигини электрохимёвий ва гравиметрик усулларда тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида синтез қилинган индивидуал ингибиторларнинг коррозия, электрохимёвий ва гравиметрик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Пўлат электроди ёки зондининг турли муҳитлардаги қутбланиш қаршилигини тажрибавий аниқлаш ингибиторларнинг антикоррозион хоссаларини ўрганишнинг аниқ ва шу билан бирга экспресс усулларида биридик. Пўлат электродини ингибиторларни тутган фон эритмаларига туширганимиздан кейин вақт ўтиши билан қутбланиш қаршилиги параболик қонун бўйича ортади ва ўзининг доимий қийматиға физикавий адсорбцияда кузатиладиган минутларда эмас, балки бир неча суткалар давомида эришади. Шунинг учун қутбланиш қаршилигининг бундай ортиши химоялаш фазавий қаватининг шаклланиши билан боғлиқ. Тадқиқотлар турли фон эритмаларида

25 ва 50°C ларда ўтказилган: 5 % Na₂SO₄+ 3% H₂SO₄, pH=5,3 (Фон-1); 5% Na₂CO₃+3% NaCl, pH=8,6 (Фон-2); водопровод суви, pH=6,7 (Фон-3).

3-расмда намуна сифатида пўлат электроди қутбланиш қаршилигининг кислотали муҳит бўлган фон эритмасидаги ҳамда бутиламинометилен-бисфосфон кислотаси (БАМБФК) ва дибутиламинометиленфосфон кислотаси (ДБАМФК) ингибиторлари иштирокидаги натижалари келтирилган.

Фон эритмасига органик ингибиторларнинг киритилиши қутбланиш қаршилигини кескин ошириб юбориши кўриниб турибди. Қутбланиш қаршилиги усулида бошқа бирикмалар ҳам турли муҳитларда ўрганилган. Олинган натижалар кейинги электрохимий ва гравиметрик тадқиқотларнинг олиб борилишига асос бўлди.



3-расм. Пўлат электродининг фон эритмасидаги Ф-1 (1) ва 10 мг/л ингибитор иштирокидаги қутбланиш қаршилиги эгрлари: БАМБФК (2а), ДБАМФК (3а), ПАМБФК (2б) ва ДПАМФК (3б)

2-жадвалда мисол тариқасида пропиламинометиленбисфосфон кислотаси (ПАМБФК) эритмалари иштирокидаги тормозлаш коэффициенти ва ҳимоялаш даражаси қийматларини ҳисоблаш натижалари келтирилган. Бундай натижалар бошқа ингибиторлар учун ҳам олинган бўлиб, уларнинг ҳимоялаш даражаси 92,5 % дан ҳам юқори қийматларга етган.

Қутбланиш қаршилиги усулида олинган натижаларга асосланиб, турли муҳитларда ингибиторлар иштирокида қутбланиш эгрларини ўрганиш бўйича қатор тажрибалар қўйилди. 4-расмда электрод жараёнларининг кинетикасини ва пўлат электродининг коррозияланиш жараёни учун турли температуралардаги ва БАМБФК, ПАМБФК, дипропиламинометиленфосфон кислотаси (ДПАМФК)лар иштирокидаги қутбланиш эгрларини ўрганиш натижалари келтирилган. Коррозия жараёни стационар потенциалининг қиймати $E_{ст}$. Ф-1 эритмасида нормал кумуш хлорид электродига нисбатан доимий бўлиб, 25°C да -0,870 В га тенг.

Фон эритмасига ПАМБФК қўшилганда коррозия потенциалининг қиймати -0,525 В гача ортади. Бунда қутбланиш эгрларининг 345 мВ га

силжиши кузатилади, ДПАМФК қўшилганда эса 290 мВ мусбат тарафга силжиш содир бўлади. Бундай ўзгаришлар анод реакциясининг тезлиги тормозланаётганини тавсифлайди. Коррозия потенциалининг ўзгариши билан бир вақтнинг ўзида коррозия токининг қиймати ҳам камаяди, бу эса ингибиторнинг аралаш механизм бўйича таъсир қилаётганидан дарак беради.


2-жадвал

Ф-1 ва Ф-2 эритмаларида ва ПАМБФК иштирокидаги қутбланиш қаршилиги ва коррозия токининг вақтга боғлиқлиги

τ, соат	R _n , Ом/см ²	i _c , с*А/см ²	R _n , Ом/см ²	i _c , с*А/см ²	γ	Z, %
Ф-1						
24	105	18,31	460	1,76	10,40	90,39
48	102	8,29	500	0,80	10,36	90,34
96	98	5,56	520	0,54	10,30	90,28
192	97	2,63	508	0,26	10,11	90,11
384	96	1,46	502	0,15	9,73	89,72
Ф-2						
24	125	17,80	537	1,33	13,38	92,53
48	122	7,42	573	0,57	13,02	92,32
96	118	4,28	566	0,33	12,97	92,29
192	116	1,74	562	0,13	13,38	92,53
384	115	1,04	555	0,08	13,00	92,31

Ф-1 эритмаси учун турли температура ва муҳитлардаги стационар потенциал, коррозия токи, тормозлаш коэффиценти ва ҳимоялаш даражаси қийматлари учун ҳисоблашларнинг натижалари 3-жадвалда келтирилган. Бундай натижалар бошқа фон эритмалари учун ҳам олинган. Индивидуал ингибиторларнинг суюлтирилган эритмалари 10 мг/л концентрацияда юқори ҳимоялаш самарасини намоён қилишини тажрибалар кўрсатди.

Синтез қилинган ва саноатда қўлланиладиган «NALKO» ингибиторларининг тормозлаш коэффиценти ва ҳимоялаш даражаси қийматларини таққослаш АМФК ҳосилаларининг юқорироқ самарадорликка эга эканлигини кўрсатди. Температура ортиши билан АМФК ҳосилаларининг ҳимоялаш самараси ортади, бу эса ушбу бирикмаларнинг комплекс ҳосил қилиш хоссаларига эга эканлигидан, шунингдек адсорбцияланиш жараёнларининг кучайганидан далолат беради.



4-расм. Пўлат электродининг Φ -1 (а1) ва Φ -2 (б1) эритмаларида ва 10 мг/л ПАМБФК (2), ДПАМФК (3), БАМБФК (4) эритмалари иштирокидаги кутбланиш эгрилари

3-жадвал

АМФК алифатик ҳосилаларининг Φ -1 (рН=5,3) эритмасидаги ҳимоялаш таъсирини электрохимёвий аниқлаш натижалари

Ингибитор	T, °C	C _{инг.} , мг/л	-E _{ст} , В	i, mA/cm ²	γ	Z, %
Фон	25	—	0,870	375,20	—	—
ПАМБФК		10	0,525	22,21	16,89	94,08
ДПАМФК			0,580	23,94	15,67	93,62
БАМБФК			0,540	20,15	18,62	94,63
ДБАМФК			0,530	21,99	17,06	94,14
NALCO			0,530	42,89	8,75	88,57
Фон	50	—	0,890	417,60	—	—
ПАМБФК		10	0,530	17,50	23,87	95,81
ДПАМФК			0,590	20,80	20,08	95,02
БАМБФК			0,557	18,21	22,94	95,64
ДБАМФК			0,550	19,75	21,14	95,27
NALCO			0,540	47,44	8,80	88,64

Бирикмаларнинг ингибирлаш хоссаларини уларнинг структурасига боғлиқлигини таққослаш натижалари ПАМБФК ва БАМБФК ларнинг самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатди. Ушбу моддаларнинг молекулаларида тармоқланган алкил гуруҳлари ва гетероатомлар мавжуд бўлиб, улар металл сиртидаги атомлар билан донор-акцептор таъсирлашувга киришади, натижада кимёвий сорбцияланган пардани ҳосил қилади.

ПАМБФК, ДПАМФК, БАМБФК, ДБАМФК бирикмалари адсорбцион тўсувчи эффект намоён бўлиши натижасида коррозия жадаллиги сусаяди, шунингдек металнинг ионланиш энергетик тўсиғини оширади. Температура ортиши билан ҳимоялаш даражасининг ортиши «металл-бирикма» боғининг кимёвий сорбцияланиш табиати билан боғлиқ бўлиб, бирикмаларнинг адсорбцияси қайтмас ва мономолекуляр бўлишидан дарак беради. Электрод сиртининг тўлиш даражасини ва адсорбцион мувозанат константасини

аниқлаш бўйича ўтказилган кинетик тадқиқотлар бундай мулоҳазаларни тасдиқлайди (4-жадвал). Бунда адсорбцияланган органик бирикмалар ингибитор эгаллаган сиртнинг юзасини анод реакцияси соҳасидан тўлиқ чиқаради, деб ҳисобланади. Худди шундай мулоҳазаларни коррозия жараёнига ҳам қўллаб, тўлиш даражасини ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолда биз металлларнинг электролитларда эриш тезлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаландик: $\theta = 1 - K_{инг.}/K_0$, бу ерда $K_{инг.}$ – ингибирланган муҳитда пўлатнинг эриш тезлиги ва K_0 - ингибитор бўлмаган муҳитда. 4-жадвалда электрод сиртининг тўлиш даражаси ва адсорбцион мувозанат константасини аниқлаш натижалари келтирилган. БАМБФК бирикмаси энг юқори адсорбцион хоссалар намоён қилганлиги жадвалдан кўриниб турибди.

4-жадвал

Электрод сиртининг Ф-1 эритмасида ингибиторлар билан тўлиш даражаси ва адсорбцион мувозанат константаларининг қийматлари

Ингибитор	T, °C	C _{инг} , мг/л	k	θ	B
ПАМБФК	25	10	0,04	0,96	2,56
ДПАМФК			0,03	0,97	2,96
БАМБФК			0,04	0,96	2,56
ДБАМФК			0,04	0,96	2,56
ПАМБФК	50	10	0,03	0,97	3,21
ДПАМФК			0,03	0,97	3,21
БАМБФК			0,02	0,98	4,37
ДБАМФК			0,03	0,97	3,21

Диссертациянинг «Икки компонентли ингибиторларнинг самарадорлигини аниқлаш» номли бешинчи боби синтез қилинган бирикмалар ва полиэлектролитлар асосида металллар коррозиясининг полифункционал ингибиторларини ишлаб чиқаришга бағишланган. Ҳозирги кунгача органофосфонатлар энг самарали реагентлар ҳисобланади. Шу сабабли диссертацияда асосий эътибор фосфон гуруҳларини тутган бирикмаларнинг синтезига ва улар асосида полиэлектролитлар - карбоксиметилцеллюлозанинг натрийли тузи (NaКМЦ), гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) ва кимё саноатининг иккиламчи маҳсулоти (унифлок) билан ингибирловчи янги системаларни ишлаб чиқаришга қаратилди.

5-жадвалда АМФК нинг гетероциклик ҳосиласи ПМФК билан полиэлектролитлар асосида ишлаб чиқилган икки компонентли системалар иштирокида олинган гравиметрик тадқиқотларнинг натижалари ва коррозия тезлиги, тормозлаш коэффициенти ҳамда ҳимоялаш даражаси қийматларини турли температура ва муҳитлардаги ҳисоблаш натижалари келтирилган. Солиштириш учун ушбу жадвалда аввал физикавий кимё кафедрасида бажарилган полифосфатлар ва полиэлектролитлар асосида ишлаб чиқилган икки компонентли системалар бўйича олинган натижалар ҳам келтирилган.

Олинган натижаларни солиштириш биз ишлаб чиққан АМФК ҳосилалари асосидаги икки компонентли системаларнинг самарадорлиги

полифосфатлар асосида олинган системаларнинг самарадорлигидан юқорироқ эканлигини кўрсатди. Температура ортиши билан тормозлаш коэффициентининг қийматлари ортади, АМФК ҳосилалари асосидаги икки компонентли ингибиторларнинг ҳимоялаш даражаси иккинчи компонентнинг кимёвий табиатига боғлиқ равишда 88,38 дан 97,84 фоизгача ўзгаради.

5-жадвал

Икки компонентли композицияларнинг пўлатни коррозиядан ҳимоялаш даражасига муҳитнинг ва температуранинг таъсирини гравиметрик аниқлашнинг таққослама натижалари

Ингибитор	pH	T, C°	K, (г/м ² ·сут)	γ	Z, %
ПМФК– УНИФЛОК	5	20	8,07	8,60	88.38
	6		6,56	12,12	91.75
	8		2,69	18,79	94.68
	5	40	7,08	12,45	91.97
	6		4,48	13,26	93.46
	8		3,97	17,85	96.79
ПМФК– ГИПАН	5	20	7,98	14,18	92.95
	6		6,56	15,33	93.48
	8		3,69	25,90	96.14
	5	40	6,89	13,28	95.47
	6		4,91	18,05	95.46
	8		3,56	42,55	97.84
ПМФК– NaKMЦ	5	20	6,21	14,21	86.12
	6		4,32	12,29	86.89
	8		3,02	11,96	93.54
	5	40	7,71	22,74	88.48
	6		4,23	18,75	94.97
	8		3,23	35,23	96.69
(NaPO ₃)n- желатин	5	20	8,62	13,78	92.75
	6		11,27	10,03	90,03
	8		11,53	10,25	90,25
(NaPO ₃)n- NaKMЦ	5		28,18	4,22	76,29
	6		11,55	9,74	89,79
	8		4,56	25,93	95,14

Коррозия жараёнининг фаолланиш энергиясига температуранинг таъсирини Аррениус тенгламасидан фойдаланиб ҳисобласа бўлади. $lgk=f(1/T)$ боғланиш тўғри чизиқли бўлса жараён Аррениус тенгламасига

бўйсунидан далолат беради ва ушбу боғланишнинг бурчак тангенсидан фаолланиш энергиясини аниқлашимиз мумкин.

6-жадвалда фон эритмасидаги ва 3-нитрофенил пиперидин-1-ил-метилфосфон кислотаси (НПМФК) иштирокидаги Аррениус тенгламаси бўйича ҳисобланган эффектив фаолланиш энергиясининг қийматлари келтирилган. Келтирилган ҳисоблар ҳар доим ҳам жуда тўғри натижалар бермаслиги мумкин, чунки коррозия токининг ўзгариши фақат сиртнинг тўлиқ даражасига эмас, балки очик сиртда жараён тезлигининг ўзгаришига ҳам боғлиқдир, чунки органик бирикмаларнинг адсорбцияси реакциянинг тезлик константасини ўзгартиради.

6-жадвал

Фон эритмасида ва НПМФК иштирокидаги пўлатни коррозияланиш жараёнининг фаолланиш энергиялари


T, K	lnK	E_A, кДж/моль	lnK	E_A инг. кДж/моль
303	1,94	37,39	2,86	62,36
313	1,15		2,32	
323	0,86		1,65	
333	0,56		0,57	

7-жадвал

Икки компонентли ингибиторлар иштирокида пўлатни коррозияланиш жараёнининг фаолланиш энергиялари

T, K	lnK	E_A,кДж/моль (НПМФК-НаКМЦ)	lnK	E_A инг. кДж/моль (НПМФК-ГИПАН)
303	3,03	78,41	5,34	93,36
313	2,12		4,62	
323	1,59		3,15	
333	1,00		2,11	

Ингибирланган эритмаларда коррозия жараёни фаолланиш энергиясининг қиймати ингибитор қўшилмаган эритмалардагидан юқори бўлди, бу эса молекулаларнинг металл сиртида адсорбцияланиши натижасида энергетик тўсиқ пайдо бўлганлигидан далолат беради.



5-расм. Пулатни коррозияланиш жараёни тезлигининг турли икки компонентли системаларда полиэлектрولит миқдорига боғлиқлиги: НПМФК-NaKMЦ, НПМФК-Унифлок, НПМФК-ГИПАН ($C_{инг}=10\text{мг/л}$; а-рН= 5; б-рН=8).

Ишлаб чиқилган икки компонентли системалар қўлланилганида коррозия жараёнининг фаолланиш энергиясининг қийматлари индивидуал бирикмаларникига нисбатан янада ортади, айниқса НПМФК-ГИПАН системаси учун (7-жадвал).

Ишлаб чиқилган икки компонентли системаларнинг самарадор таркибларини аниқлаш учун коппонентларнинг ўзаро таъсири ҳам ўрганилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 20°C ва рН=5 да компонентларнинг эквимоляр нисбатларида НПМФК-УНИФЛОК, рН=8 да эса НПМФК-NaKMЦ системаси энг самарали эканлиги аниқланди (5-расм).

Юқори температураларда ҳам худди шундай синергетик эффект кузатилди, бу эса аминофосфонатларни полиэлектрولитлар билан биргаликда қўллаш мумкин эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Рентгенструктур анализ, масс-спектрометрия, ИҚ-спектроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида илк бор синтез қилинган аминометиленфосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилаларини структураси ўрнатилган ва улар асосида янги ингибирловчи системалар тавсия қилинади.

2. Аминометиленфосфон кислотаси алифатик ва гетероциклик ҳосилалари темир ионлари билан кам эрийдиган комплекслар ҳосил қилиб, коррозия токини камайтириши билан бир вақтда коррозия потенциалини мусбат тарафга қараб орттиради ва ингибирлаш аралаш механизмда боришини тавсифлайди, бунда фосфон кислотасининг фрагментларини

тутган органик бирикмаларнинг коррозиядан ҳимоялаш механизми бошқа ингибиторларнинг таъсир механизmidан принципиал фарқ қилиши кўрсатиб берилди.

3. Коррозия токи ва потенциали, коррозия тезлиги, ҳимоялаш даражаси, тормозлаш коэффициенти, сиртнинг тўлиш коэффициенти, адсорбцион мувозанат константаси, ўзаро таъсирлашиш коэффициенти ва коррозия жараёни эффектив фаолланиш энергиясини муҳитнинг рНи, температура, синтез қилинган моддаларнинг кимёвий табиати, концентрацияси ва таркибига боғлиқ равишда коррозияни ингибирлашнинг мақбул шароитлари тавсия қилинади.

4. Илк бор аминотилефосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилалари асосидаги композициялари учун уларнинг таркиби ва компонентларнинг кимёвий табиатига боғлиқ равишда ингибирлаш самарадорлиги бўйича тажрибавий маълумотлар олинган ва икки компонентли «аминотилефосфон кислотаси ҳосилалари–полиэлектролит» системаларида юқори синергетик эффект мавжудлиги кўрсатиб берилди.

5. Сиртга фаол компонент сифатида фосфон гуруҳларнинг электр таъсирида пўлат электроди сиртига чўкиш тезлигини бошқарувчи вазифасини бажариб, фосфон қаватининг ўта ўсишини олдини олиши ва бир текисда тақсимлаб, мономолекуляр наноқават ҳосил қилиши билан изоҳланган ва таркибида полиэлектролитларни тутган икки компонентли ингибиторларнинг таъсир механизми тавсия қилинади.

6. Аминотилефосфон кислотасининг алифатик ва гетероциклик ҳосилалари асосида ишлаб чиқилган ингибирловчи системалар «Гиссарнефтегаз» МЧЖ кўшма корхонасида татбиқ қилинган. Рентгенструктур анализ натижалари CIF файллар кўринишида Кембрижнинг кристалл-структуравий маълумотлар марказида депонентланган (CCDC1876150).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc. 27.06.2017.К.01.03 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАШИДОВА КАМИЛА ХАМИДОВНА

**ИНГИБИРУЮЩИЕ СВОЙСТВА АЛИФАТИЧЕСКИХ И
ГЕТЕРОЦИКЛИЧЕСКИХ ПРОИЗВОДНЫХ
АМИНОМЕТИЛЕНФОСФОНОВОЙ КИСЛОТЫ**

02.00.04 – Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/К48.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-kimyو.nuuz.uz) и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Акбаров Хамдам Икрамович доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сидиков Абдужалил Сидикович доктор химических наук, профессор Гуро Виталий Павлович доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский Государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в «___» часов на заседании Научного совета DSc. 27.06.2017.К.01.03 при Национальном университете Узбекистана по адресу: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100174, г.Ташкент, Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 г.).

Х.Т. Шарипов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

М.Г. Мухамедиев

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с интенсивно развивающейся промышленностью в различных отраслях экономики, предотвращение коррозии металлов и создание ингибирующих систем и антикоррозионных покрытий имеет важное теоретическое и практическое значение. В странах с развитой химической и нефтехимической промышленностью в результате коррозии металлов наносится большой экономический ущерб, поэтому создание и использование на практике высокоэффективных ингибиторов коррозии является еще более важным.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется созданию новых полифункциональных ингибиторов, предотвращающих химическую, электрохимическую, микробиологическую коррозию и солеотложение, при этом является важным их экологическая безопасность. В промышленно развитых странах разработаны и нашли применение ряд многофункциональных ингибиторов на основе фосфорсодержащих соединений: производных фосфорной и фосфоновой кислот и органофосфонатов и их композиций с полиэлектролитами и комплексов с ионами металлов.

В республике достигнуты определенные научные и практические результаты по созданию ингибиторов олигомерного и полимерного типов на основе отходов и вторичных продуктов промышленности, а также многокомпонентных полифункциональных ингибиторов с полиэлектролитами. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные результаты, особенно, по разработке научных основ получения многокомпонентных полифункциональных композиций осуществлены широкомасштабные мероприятия в области обеспечения местного рынка импортзамещаемыми продуктами. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. При этом важную роль играет замена дефицитных компонентов местными сырьевыми ресурсами-многотоннажными вторичными продуктами химической промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья» и ПП-3983 от 25 октября

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во всех промышленно развитых странах мира проводятся систематические исследования по электрохимической теории коррозии и механизму действия ингибиторов. Особое внимание уделено созданию высокоэффективных ингибиторов коррозии и их производству. Зарубежными учеными G.Trabanelli, N.Hackerman, W.J.Lorenz, S.Szklarska-Smialowska, M.I. Incorvia, M.A. Quraishi, W.W. Frenier проведены ряд фундаментальных исследований в данном направлении.

